



Газета 1957 йил ноябрь ойидан "Самарқанд ҳақиқати", 1962 йил августидан "Шарқ тонги", 2004 йил май ойидан "Гулобод тонги" номи билан чиқа бошлаган.

www.gulobodtongi.uz

E-mail: gulobodtongi@umail.uz

gulobod_tongi

www.facebook.com/gulobod_tongi

Шу азиз Ватан - барчамизники!

Гулобод тонги

1 июнь
- Халқаро
болаларни
ҳимоя
қилиш
куни

2019 йил 31 май, ЖУМА

№ 20 (8931)

ISSN - 2010-6777

ЎЗБЕКИСТОН - БОЛА ХУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН ЮРТ

Ҳар қандай фуқаролик жамиятида болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вояга етмаган ёш авлодни баркамол, жисмонан ва маънан соғлом шахс этиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, масъулият ҳиссини шакллантириш долзарб масала саналади. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги боис, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция"си талабларига риоя этиш баробарида болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Хусусан, Конституциямизда ота-оналар ўз фарзандини вояга етгунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур экани, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган ўғил-қизларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенг экани, шунингдек, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда эса уларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қарорда ота-

она қарамогисиз қолган болалар яшаб турган уй-жойларини улар ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар бронлаштириш ҳуқуқи, болаларнинг давлат органларига қилган муружаатлари кўриб чиқилиши кафолатланиши, 14 ёшга тўлганидан кейин ота-оналаридан алимент олиш юзасидан судда даъво кўзғатишга ҳақли экани, судга муружаат қилишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод қилиниши белгилаб қўйилгани нақирон авлод ҳуқуқларини янада кенгайтирди. Эндиликда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари - Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилиши, фақат болалар ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашувчи сектор тузилиши бу борадаги имкониятлар қамровини оширилишига хизмат қилади. Қарор билан 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шахарчасининг битирувчилари бўлган ота-онасиз болалар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосида қабул квоталари ажратиш тартиби татбиқ этиладиган бўлди. Эътироф этиш лозимки, яна бир муҳим жиҳат, "Етим болалар ва

ота - оналар қаромогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалдаги бир қатор қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилганлиги ва шу орқали қонунчилик базаси янада мустаҳкамланиши эътиборга молик амалиётдир.

Т.НУРОВ

ХАЙР БОҒЧА, САЛОМ МАКТАБ!



Тумандаги "Дилқушо" 20 - мактабгача таълим муассасасида "Хайр боғча, салом мактаб" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда 70 нафар тайёров гуруҳи ҳажжи болажонлари она Ватан, истиқлол, табиат ҳақида шеър ва қўшиқлар ижро этдилар ҳамда мактабга тайёргарлик бўйича боғчада олган билимларини намойиш қилдилар. Яқунда тадбирга ташриф буюрган ота-оналар муассаса раҳбариятига ва тарбиячиларига, барча ходимларига фарзандларига берган таълим-тарбиялари учун миннатдорчилик изҳор этдилар. Тошпўлат ЮСУПОВ

Сайёр қабул

280 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРОНИНГ МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ

Вилоят ҳокими Э.Турдимов туманимиздаги виллоят саломатлигини тиклаш ши-фохонаси ҳудудида оммавий сайёр қабул ўтказди.

Оммавий сайёр қабул жараёнида 280 нафардан зиёд фуқароларнинг турли ижтимоий, иқтисодий ва майиший масалаларда қилинган муружаатлари тинглаб, бу ҳолатларни масала дахлдор раҳбарлар иштирокида чуқур таҳлил қилган ҳолда бартараф этиш чоралари кўрилди.

Дехнав маҳалласида давлат - хусусий шерикчилик асосида "Дилнур Ангелина" номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси очилди.

Мазкур боғчада замонавий ошхона, мусиқа зали, ўқув хоналари, ҳар бир гуруҳ учун ётоқхона ва ювиниш хоналари, сайр қилиш учун боғ, ўйин аттракционлари, спорт - соғломлаштириш ва сузиш ҳавзаси, жонли бурчак, ёзги айвонча ва ўйин майдончалари ташкил этилган. Муассасада рус, инглиз тили, расм, бадий гимнастика, сузиш ва рақс тўғараклари фаолият

Туман ҳокими Ш.Жамолов Мирзо Улуғбек маҳалласида аҳоли билан галдаги оммавий сайёр қабулини ўтказди. Қабулда 33 нафар фуқароларнинг турли соҳаларга оид 40 га яқин муаммоли муружаатлари тингланди.

Муружаатчиларнинг 7 та муаммоси жойида ҳал этилган бўлса, 5 тасига ҳуқуқий масалалар берилди. Қолганларини эса ўрганиш учун вақт талаб этилиши сабаб, тегишли ташкилотларга топширилган берилди. Шунингдек, шу куни 1-сектор ишчи гуруҳи аъзолари томонидан маҳалла аҳолисининг хонадонларида уйма-уй юриб ўтказилган хатлов якунига бағишланган йиғилиш ҳам ўтказилди.

Қайд этилганидек, Мирзо Улуғбек маҳалласида 418 та

МАСЪУЛИЯТСИЗ РАҲБАРЛАРНИ ХАЛҚ КЕЧИРМАЙДИ

хонадон, 771 та оила мавжуд бўлиб, уларда 2986 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 1461 нафарини эр-каклар, 1525 нафарини аёллар ҳамда 595 нафарини воягача етмаганлар ташкил этади. Маҳалланинг 2 нафар фуқароси хорижда, 18 нафари юрти-миздаги олий таълим муассасаларида, 202 нафари касб-хунар коллежи ва 241 нафари умумтаълим мактабида тахсил олмоқда. Маҳаллада жами 416 нафар пенсионер ва нафақа-хўрлар бўлиб, шундан 37 нафари ногиронлик ва 9 нафари боқувчисини йўқотганлар нафақасини олишади. Кам

таъминланган оилалар сони 2 тани ташкил этади. Маҳалла ҳудудида ўрганишлар жараёнида маҳаллада 14 та муаммо аниқланиб, улар асосан маҳаллага ўз вақтида суюлтирилган газ баллонларининг етказиб берилмаслиги, ички йўллар таъмири, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уй-жойини кадастр рўйхатидан ўтказиш ва бошқа масалаларга оиддир.

- Албатта, аниқланган муаммоларнинг аксарияти бугунги кунда ижобий ҳал этилмоқда, - деди Ш. Жамолов. - қолганлари тўлиқ ўрганилиб бартараф этилиши ҳамда ихроси натижа-

лари юзасидан белгиланган муддатларда 1-секторга етказилиши бўйича хат орқали тегишли ташкилот ва мутасаддиларга топширилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳоким муружаатлар ихросини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўяётган раҳбарларга қатъий чоралар кўрилишини айтди. Хусусан, эндиликда 1-сектор ҳудудидаги 16 та МФИларда хатлов тугалланиб, муружаатлар ижроси асосида бажарилаётган ишлар бўйича "Халқ қабулхонаси" мутахассислари томонидан мониторинг олиб борилади ва чуқур таҳлил қилинади.

Дарҳақиқат, ушбу механизм тобора такомиллаштирилиб борилса, аҳоли томонидан билдирилган бироқта муаммоли масала ҳал этилмасдан қолмайди.

Т.ЮСУПОВ

"САМАРҚАНД КИТОБ ОЛАМИ"- 3 ЁШДА

"Самарқанд китоб олами" маънавий - маърифий мажмуаси ташкил этилганлигига уч йил тўлганлиги муносабати билан тадбир ташкил этилди. Шу муносабат билан мажмуага ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам бўлишди.

- Мажмуа ташкил этилганда бир кунда бор-йўғи юз донага яқин китоб сотилар эди, - дейди "Самарқанд китоб олами" маънавий-маърифий мажмуаси директори Хуршид Нуруллаев. - Ўтган уч йил мобайнида кўча китоб дўконларининг ташкил этилгани, шу билан бирга филиалларимизнинг очилгани натижасида эндиликда кўчага беш юз ва ундан ортиқ китоблар ўз китобхонасининг қўлига етиб бормоқда. Виллоятнинг барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда, бозорларда ва одам гавжум бўладиган бошқа жойларда китоб сотувини доимий равишда йўлга қўйиб келяпмиз.

- Китоб оламининг очилганига натижасида эндиликда кўчага беш юз ва ундан ортиқ китоблар ўз китобхонасининг қўлига етиб бормоқда. Виллоятнинг барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда, бозорларда ва одам гавжум бўладиган бошқа жойларда китоб сотувини доимий равишда йўлга қўйиб келяпмиз.

- Китоб оламининг очилганига натижасида эндиликда кўчага беш юз ва ундан ортиқ китоблар ўз китобхонасининг қўлига етиб бормоқда. Виллоятнинг барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллаларда, бозорларда ва одам гавжум бўладиган бошқа жойларда китоб сотувини доимий равишда йўлга қўйиб келяпмиз.

Дарҳақиқат, мажмуанинг уч ёшга тўлиши муносабати билан "3+1" акцияси, яъни учта китоб сотиб олганга битта китоб совға қилиш акцияси ташкил этилди.

- Бу ерда акция ўтказилаётганидан хабарим йўқ эди, - дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Мархабо Ибрагимова. - Бешта китоб харид қилиб, совғасига яна битта китоб берганда жуда хурсанд бўлиб кетдим. Энг муҳими, олтинчи китобни ўзим танладим.

А.ЗИЁДОВ

РАҲБАР МУТОЛААСИ ҲАҚИДА

Муҳтарам Юртбошимизнинг китобхонлик, тизимли мутолаага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганлигидан барча раҳбар ходимлар хушёр тортиб янги - янги илмий, бадий, тарихий - оммабоп асарларни қизиқиш билан ўқимокдалар, ўз меҳнат жамоаларида тарғиб этмоқдалар. Бугунги кунда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ватандошларимиз бу эзгу умумхалқ ҳаракатига қўшилмоқда.

Қуйида туманимиздаги турли соҳа раҳбар ходимларининг мутолаа фаолиятидан маълумот берилмоқда. Ким нима ўқимокда, билиб олинг.

Тахририят - Туман ҳокимлиги маданият бўлими бошлиғи Х.Фозиева Ў.Ҳошимовнинг "Икки эшик


ораси", шоирлар Гулрухсор ва Халима Худойбердиеванинг шеърлар тўплами.

- Туман ҳокимининг ўринбосари А.Халимов Бахтиёр Ҳайдаровнинг "Бахт китоби", Носириддин Рабғузий "Қиссаи Рабғузий" асарининг

- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси М. Баратова А.Қодирининг "Меҳробдан чаён" асари, "Темур тузуқлари"

- Туман статистика бўлими бошлиғи Азимжон Шарипов Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун", Ў.Ҳошимовнинг "Дафтар хошиясидаги битиклар"и

- "Оила" илмий - амалий тадқиқот маркази туман бўлими раҳбари Г.Жумаева Асқар Мухтор, Кубарро Бахромовнинг шеърлар тўплами



Самарқандда об-ҳаво:

1. 06
Кундузи +25... +27
Кечаси +15... +17
2. 06
Кундузи +23... +25
Кечаси +14... +16

ОБУНА - 2019

Ҳурматли муштарийлар! Агар Сиз туман ҳаётида рўй бераётган сиёсий, ижтимоий - иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлардан хабардор бўлишни, ҳаётимиздаги турли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мушоҳадалардан баҳра олишни истасангиз, "Гулобод тонги" газетасига обуна бўлишни унутманг. Биз учун Сизнинг нуқтаи назарингиз, тақлиф ва ташаббусларингиз муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан газета бундан кейин ҳам кўп сонли муштарийлар, барча йўналишлардаги соҳа ходимлари билан ҳамкорлик қилишни давом эттиради.

"Гулобод тонги" газетасига обуна давом этмоқда!

www.gulobodtongi.uz да ўқинг:

ХОТИРАМ СЎНМАСИН ДЕСАНГИЗ

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

13-умумий ўрта таълим мактабининг ҳовлисига қадам ранжида қилар экансиз ландшафт дизайни, ранг-баранг гулу райхонлар, чиройли тартибда шакл берилган манзарали дарах-тарлини кўриб дилингиз яйрайди. Мактаб ҳовлисига кирдигу мактаб директори-нинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Эрдон Рўзматов билан мактаб ҳудудини айланиб, бунга гувоҳ бўлдик.



Унинг таъкидлашича бундай манзаралар ташқаридан мута-хассис ёки ишчи олиб келиб қилдирилмаган, мактаб жамо-аси таълим масканининг тоза-озодалиги, гўзаллигига бирдек ўзи жавобгар ҳисоблашаркан. Қолаверса, ўқувчилар ҳам бун-дай эзгу ишларда камарбаста экан. Бунга "Ўқувчилар боғи" деб номланган махсус ҳудудни кўриб гувоҳ бўлдик.

Ҳовлини айланиб танишгу-нимизча таълим муассасаси

директори Тўракул Абдуллаев ҳам етиб келди. Ундан мактаб фаолияти, эришилаётган ютуқ-лар ҳақида сўрадик:

- Мактабимизда 24 нафар ўқитувчи ўқувчиларимизга таъ-лим-тарбия беришади, - дея гап бошлади Т. Абдуллаев. - 12 та синфда 281 нафар ўқувчи ўқийди. Жамоа аҳил, гапимиз бир жойдан чиқади. Президен-тимиз томонидан чиқарилаёт-ган қарор ва фармойишларни дастуриламал қилиб ишляп-миз. Ўқитувчиларнинг ойлик

маошлари кўтарилмоқда, мак-табнинг моддий базиси мустаҳ-камланмоқда. Ўқувчиларимиз шунга жавобан олдинга интил-моқда. 2018-2019 ўқув йилида "Обод мактаб" кўрик танлови-га қатнашиб туман ва вилоят босқичида биринчи ўринни эгалладик. Республика босқи-чида эса фахрли иккинчи ўрин-ни эгалладик.

- **Мактаб ҳудудини айла-ниб чиқдик. Майдони катта экан. Агар сир, бўлмаса**

қанча даромад қиласизлар?

- Меҳнатимизга яраша 8-10 миллион сўм даромад олмақ-дамиз. Икки сотиқ иссиқхона-мизда киш фаслида кўкатлар



парвариш қилиб, яхши даро-мад олдик. Ҳозирги пайтда бодринг ҳосили тайёр бўлмоқ-да. Бодрингдан кейин яна бир марта экиб ҳосил оламиз.

- Ёнгина қарши ҳавузимиз бекор турмасин деб, сув тўлди-риб 3 кг "Оқ-Амур", 3 кг "Са-зан", 5 кг "Толтолиб" номли балиқчалар парвариш қилмоқ-дамиз. Ҳозир улар 6 ойлик бўлди. Насиб бўлса улардан ҳам анча даромад оламиз. Ле-кин даромадни ўзи қўлга кел-майди. Уни харажати ҳам бор. Иссиқхонанинг устига плёнка, темир, уруғлик, ўғит ва бошқа-ларни сотишга 4,5 млн сўм харж қилдик.
- **Мактаб таъмири вақти яқинлашиб келмоқда. Таъ-мир пули ота - оналар ҳисо-бидан - ми ? Пул териш ма-саласи қандай?**

- Биз пул теришни барҳам қилган. Мактаб ери, боғи, парниги ва бошқа манбалар ҳисобидан мактабни таъмир қиламиз. Айрим ҳомий, тadbир-

корлар ёрдам беришмоқда. Яхши меҳнат қиладиган ўқитувчилар ҳамда кўрик танловлар, фан олимпиада-лари, билимлар беллашувлари-да ғолиб чиққан ўқувчилар-ни мактаб ҳисобидан рағбат-лантирамиз.

- **Офарин, сизларга.**
- Ҳа, мактаб билим даргоҳи, зиё маскани. Ушбу даргоҳда ўқймаган инсон йўқ. Ота - бо-боларимиз ҳам, ҳокиму Прези-дентимиз ҳам шу даргоҳда ўқиб, билим олиб, қомил инсон бўлиб чиққан. Дарҳақиқат, мак-табни ривожлантириш, обо-донлаштириш, кўлаамзорлаш-тириш учун маркетинг хизма-тини яхшилаб тadbиркорликни йўлга қўйиб, бюджетдан ташқ-ари маблағ топишимиз лозим бўлади.
- Раҳматилло ШАРИФЗОДА**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДАН МАҚСАД НИМА?

Аҳолини рўйхатга олиш нафақат стати-стик мақсад, балки мамлакатнинг ижтимо-ий-иқтисодий ҳолатини башорат қилиш ҳамдир. Жорий йил 1 апрель ҳолатига ту-манимиз аҳолиси 247,1 минг нафар киши-ни ташкил этиб, уларнинг 122,1 минг на-фари ёки 49,4 фоизи аёллардир.

Ортимизда сўнгги бор аҳолини рўйхатга олиш тadbирига 30 йил бўлди. Бу эса демо-графия ва миграциядаги ўзгаришлар, аҳоли сони, ёши, жинси, таркиби ва бошқа ижтимо-ий-демографик маълумотларни қўллашда қатор ноаниқликларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томо-нидан 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Рес-публикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинишида ҳам юқоридаги жиҳатлар инобатга олинган.

Мазкур ҳужжат асосида 2022 йилда мамла-катимизда аҳолини рўйхатга олиш тadbири ўтказилади ва бунга давлат статистика қўми-таси ваколатли орган сифатида белгиланди.

Фармонда аҳолини рўйхатга олишда хори-жий тажриба, замонавий технология ва услуб-лардан фойдаланган ҳолда аҳолининг ёши, жинси, оилавий аҳоли, маълумоти, ҳаёт дара-жаси, миллати, фуқаролиги, бандлиги ва бо-

шқа демографик жиҳатларни аниқ ҳисоблаш ва-зифаси юклатилган. Бунинг натижасида аҳоли-нинг фаровонлиги, бандлик, иш ўринлари яра-тиш, барқарор ривожланиш, миллий мақсад-лар индекаторини шакллантириш, меҳнат рес-урслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш борасида давлатнинг узоқ ва қисқа муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади.

Рўйхатга олишда республика ҳудудида яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғри-сида халқаро таққос имконини берадиган ях-лит маълумотлар ягона статистик услублар асо-сида йиғилади.

Ушбу тadbир мамлакатда яшовчи аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва иж-тимоий йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳ-лил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараё-нини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълу-мотларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Кел-гусида ривожланишнинг прогност кўрсаткичла-рини ҳисоблаш, ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам-ларига ёрдам кўрсатиш, сийсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълу-мотларни олиш имконини беради.

Азимжон ШАРИПОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи

РАМАЗОН САБОҚЛАРИ

- **Аллоҳим, менга шундай кўз бергин-ки, инсонларни фақат яхшиликларини кўрай.**
- **Менга шундай қалб бергин-ки, бандаларингга фақат эзгуликлар улашай.**
- **Менга шундай тоқат бергин-ки, ҳаётнинг ҳар зарбасига чидаб берай.**
- **Менга шундай забон бергин-ки, ҳеч бир бандангни ранжита олмай.**

БУТУННИНГ ГАПИ

Муаллим ва мураббийнинг қувончи, суянци, ишончи берган таълим ва тарбияси-нинг самараси биландир. Ўқитувчи нимани ўргатаётгани билан эмас, балки қандай ўргатаётгани билан қадрланади, маҳоратли саналади.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ, филология фанлари номзоди

Партия ҳаёти

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЎЗМТДП вилоят Кенгаши та-шаббуси билан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Бош бо-шқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси, Ўзбе-кистон Фанлар Академияси Археология институ-ти ва Самарқанд давлат университети ҳамкорли-гида Ёшлар марказида "Архитектура ва археоло-гия маданий мерос объектларини асраш ва улар-дан фойдаланиш масалалари" мавзусида ўтказил-ган илмий-амалий анжумандаги маъруза ва ах-боротлар соҳада эришилган ютуқлар қаторида йи-ғилиб қолган муаммо ва камчиликларга ойдин-лик киритди.

Шунингдек, маърузачилар А.Сандибоев, Б.Шайматов, Р.Тожиев, Р.Абдиевнинг фир-муло-ҳазалари эшитилди. Савол-жавоб ва мунозара-ларга бой бўлган тadbирни партиянинг вилоят кен-гаши раиси Зебинисо Шодиева олиб борди.

ўз талаб - қоидаларига эга

Обидаларнинг аксарияти таъмирталаб аҳолига келиб қол-ган, уларнинг сайёҳлик салоҳия-тидан самарали фойдаланиш та-шаббуси Кенгаши раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-си депутаты Алишер Ҳамроев, - Ўрганишлар шуни кўрсатадики, соҳада аниқланган унга яқин камчи-ликларни ўз вақтида бартараф этиш учун барча-миз олдимизда турган вазифаларни сидқидилдан бажаришимиз керак.

Дарҳақиқат, аждодларимиздан қолган бой маданий меросни асраб-авайлаш, ўз ҳолича сақ-лаш бугунги авлод зиммасидаги муҳим вазифа-лардан бири саналади. Ўзимизни, ўзлгимизни унутмасликка ўндовчи тарихий обида-ю зиёрат-гоҳлар аждодларимиз ким, улар нималарга қодир бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Н.КАРИМОВ

НОМУССИЗЛИК ҚУРБОНИ

(Ҳикоя)

қилиб тарбиялаб, отаўғил ортидан "отанга раҳмат" деб жаранлаган ҳузурбахш лутфни эшитишни хаёл қиларди. Шундай кезларда қалби жўшиб кетарди. Яна ва яна илтиҳо қилиб, Аллоҳдан туну кун ўғил фарзанд тиларди.

Уша қутилган бахтли онлар етиб келди. Ўғил фарзанд дунё юзини кўрди. Бахтли ота-оналар шодлик бил-лан бир пайтда муаммога ҳам юзма-юз бўлишди. Негаки бола жуда ним-жон туғилганлиги боис шифокорлар унга қон бериш лозимлигини айтиш-ди. Афсуски Илҳомнинг ҳам Матлуба-нинг ҳам қон гуруҳи чақалоққа тўғри келмади. Илҳом саросимага тушиб қолганди. Йиллаб қутилган энг шод-лик онлари қисқа вақтда саробга ай-ланиши мумкин эди. Чақалоқнинг ҳаёти хавф остида. Илҳом жонсарак бўлиб гўдақнинг қон гуруҳига мос ке-ладиган "хаёт манбаини" бирма-бир қариндош-уруғдан суриштира бошла-ди. Фойдаси бўлмади. Фарзандини йўқотиб қўйишдек таҳликага тушиб қолган ота туғруқхонанинг бир бурча-гига қисилиб олиб шифокорларнинг нимадир қилишига умид боғлашдан ўзга чораси қолмади. Бошини чангал-лаганча ичи ёниб кул бўлаётган Илҳ-омнинг ёнида тунга яқин дўсти Дав-рон пайдо бўлди. Унинг қон бермоқчи бўлиб келгани қулогига қилиниши би-ланок шифокорларнинг олдига бош-лаб кетди. Қисқа муддат ичида барча муаммо бартараф бўлгандек бўлди. Илҳом Давронни шундан сўнг фақат-қанча синфдош ўртоқ деб эмас, энг яқин нажоткоридек кўрадиган бўлди. Аммо бирор марта уни туғруқхонага қим ча-қиргани, буларнинг муаммоси қандай унга етиб борганлигини ўйлаб ҳам ўтирмади.

Ўн-ўн беш кун оралиғида чақалоқ

мутлақо соғлом бўлиб қолган уйга қайтишди. Илҳом отаўғилига ширин орзу-хаваслар билан Бахтиёр дея исм қўйди. У қалби-га туккан эзгу ниятларини бирин-кетин амалга ошира бошлади. Бутун қарин-дош-уруғ, қишлоқ аҳлини йиғиб ош бер-ди. Шундай шодлик кунларда қишлоқ-да рафиқаси Матлуба билан боғлиқ тур-ли совуқ миш-мишлар тарқаядиган ҳам... Хонадонига ҳатто яқин қариндошлар-нинг ҳам келди-кетдиси қамайиб қол-ганди. Ишда эса унум йўқ эди.

Йиллар ўтгани сари Бахтиёржон ҳам улғайиб борди. Бу Илҳомнинг қувончини ошириш ўрнига юрагини сиқиб қўйди. Унга туллари уйку бер-маган, еган-ичганини таъсис қилган ҳолат бу ўғли Бахтиёржоннинг қиёфа-си, хатти-ҳаракатлари на ўзига ва на рафиқасига ўхшарди, аксинча кўпроқ дўсти Давронга тортиб борарди. Гоҳ-гоҳ ҳаёлига келган фикрлардан ўзи-дан-ўзи нафратланиб кетардида бироқ бу унсиз дард ич-этини кемирарди. "Хотиним... Даврон... Бўлиши мумкин эмас. Бу шунчаки тасодиф", дея ҳало-вати йўқоларди. Гоҳида хотинининг бўғзидан олиб, бор гапни билгиси ке-лардию қаттиқ янглишиб, унинг қўнглини бир умрга мажрўх қилиб қўйишдан қўрқарди. Энг дахшатлиси, онанинг уч қизи олдидаги аҳоли, уларга бу машашалар оғир ботиб, онасидан қўнгли қилиб кетиши мум-кинлигини ўйлаб ўзини қўлга оларди, қизларининг келажагини ўйларди. Аммо барибир оилада тушунлиқ, ошқора этилмаган гина-қудурат ҳукм-рон эди. Илҳом аламини ишдан олиш-га уринди. Шундай мушкул ҳаёллар ум-монига чўкиб юрган қунарнинг бири-да юқори электр токи билан ишлай-диган ёғоч кешис усқунаси ўн қўли қафтининг яримдан кесиб юборди, тўртта бармоғидан ҳам айрилди. Бу

дард устига чипқон бўлди. Илҳомга барчасига Матлуба айбдордек кўри-ниб қолди.

Хонадондан осудалик йўқолди. Илҳом кўча-қўйга, маҳалладаги тўй-ҳашамларга ҳам чикмай қўйди. Кеча-гина қуч-ғайратга тўлиб, уйим-жойим, фарзандларим деб юғураётган, тош келса кемириб, сув келса симириб юборадиган шижоатли йиғитдан энди асар ҳам қолмади. Оилада осудалик йўқолди, дастурхондан фазиз кетди.

Матлуба коллежнинг иккинчи кур-сида ўқиётган қизи Моҳира билан қишлоқ одамларидан ул-бул олиб, бозорга сотишарди. Тўрт-беш сўм фойдасини амаллаб, рўзгорга яратар-ди. Аста-секин Моҳиранинг ўзи ҳам туғпа-тузук "бозорчи" бўлиб қолди. Онасисиз ҳам эълайдиган бўлдию кол-леждаги ўқишини четга суриб қўйди. У эрта тонгдан ишга отланади, қўшни қишлоқдаги Ақром фермернинг кўча-бозори, лўтибоз ўғли Исмат таксичи-га "клент" ҳам бўлиб олган, "ғизза" бозорга етиб боради. Қишлоқдан олиб келган чақо, қаймоқ, сариёғ туҳум-ларни яхшигина фойдасига пуллайти. Бозорнинг ўзида ундан олиб бунга со-тадиган пухта сотувчига ҳам айланади. Мўъжазгина растачага ҳам эга бўлиб олди. Эндигина ўн олти-ўн етти ёшга кирган қизалоқ баъзи бозорни аёллар-нинг ҳам озғига тушди, унинг нараса-сидан кўра ўзига харидорлар кўп эмиш. Шундай қўнлиқина, истарали, қошу қўзлари қоп-қора, юзлари сут-дек тиник қизини бозорга югуртириб қўйган ота-онаси аҳмоқ эмиш.

Моҳиранинг чиройлилиги ҳақиқат эди. Аммо бунин бозорчи аёллардан аввалроқ Исмат таксичи яхши билар-ди, Моҳиранинг ҳусни-жамолига ошиқ бўлиб юрарди. Кези-келганда ширин-ширин сўзлар билан унинг қўнлиғи-га "ғулгула" солиб қўйган эди. Бора-бора Моҳира Исматнинг муносабатларидан ҳадиксирмай ҳам қўйди. Аксинча, икки қалбда муҳаббатни ниқоб қилган

ҳис-туйғулар жўш ура бошлади.

Моҳира бозор борми-йўқми ҳар қуни тонгда қичиб кетиб, кеч кирган-да, баъзан ярим тунда уйга кириб ке-ладиган бўлди. Илҳомнинг қизига на-сихату танбехлари зое кетарди, шу боис юраги кўп сиқиларди. Фаришта-дек қизининг юзидан ифбат, шарму ҳаё йўқлиб бораётганидан афсусла-ниб, ҳуноби ошарди. Хотинининг бир неча йил аввалги аҳмоқона қилимиши қизига "қоқишдан" ҳавотирларди, баъзан пана-панада ўқсиб-ўқсиб йиғ-ларди. Онаси орқали ниманидир ту-шунтирар деса Матлубага гапириш туғул, юзлангиси ҳам келмасди. Со-чига анча-мунча оқ оралаб қолган Илҳ-ом тез-тез касал бўлиб, ётиб қола-диган бўлди. Ҳали унинг юраги, ошқо-зони бетоб бўлса, ҳали ўпкасига ни-мадир қилган бўлиб чиқарди. Қизи Моҳира ҳақида турли совуқ миш-миш-ларни эшитган эса боши ёстиққа етди, тўшақдан қайтиб турмади...

Қишлоқ аҳли жанозага ҳам бўлган, тумонат одам йиғилди. Май-итнинг гурури баланд, ор-номусли, жамиятга улкан фойдаси теккан, меҳ-натсевар инсон эканлиги айтилди. Ҳаққига узундан-узун дуолар қилин-ди. Мулла Ашраф бобо жаноза на-мози ўқиб бўлингач, майитни қабрга олиб кетиш учун рухсат берди. Аш-раф бобо одамлар ортидан қабрис-тонга борар экан йўл четига жано-задан қайтиб кетаётган икки-уч аёл-нинг гаплари қулогига қалинди:

- Илҳомжон ака номусли чадай ол-мади. Жондан азиз қизи Моҳиранинг тўйсиз, никоҳсиз шармандаларча ҳомиладор бўлиб қолганини кўтара ол-мади, бечора...
- Бу шикоси дунёда синглим, Матлуба тўғримидаги қи қизларига намуна бўлса, ахир отани менсимай қўйишдику ҳаёсизлар...

Абдуҳошим ЗИЁДОВ,
журналист